

|     |   |    |    |    |    |
|-----|---|----|----|----|----|
| D.  | 4 | 11 | 18 | 25 |    |
| S.  | 5 | 12 | 19 | 26 |    |
| Ch. | 6 | 13 | 20 | 27 |    |
| P.  | 7 | 14 | 21 | 28 |    |
| J.  | 1 | 8  | 15 | 22 | 29 |
| Sh. | 2 | 9  | 16 | 23 | 30 |
| Y.  | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |



Муҳаммад КАРИМ суратлари

Тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган шароитлар туфайли Сирдарё вилоятида ҳам иқтисодий ҳаёт кундан кунга ривожланмоқда. Сиз суратда кўриб турган лаҳзаларда Сирдарё шахридаги исми жисмига монанд бўлган «Nafis Guldasta» мажмуаси акс этган.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган ресторан, супермаркет, автомобилларга ёнлиги қўйиш шахобчаси, ёзи дам олиш ва овқатланиш павильонлари нафақат кўркемлиги, балки юқори хизмат кўрсатиш даражаси билан сирдарёликлар эътиборини қозонмоқда.



## JARAYON

Жорий йилнинг 14-20 июнида президентимиз томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши иқтисодий ривожлантиришда кескин бўрилиш бўлди десак, муболага бўлмайди.

## ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши прокуратура органлари олди ҳам муҳим вазифалар қўяди. «Прокуратура тўғрисида»-ги қонунга кўра, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишларда қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича 7000 га яқин прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Маъмур ҳужжатлар иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлашга ва эл маъмуричилигини таъминлашга бел боғлаган тадбиркорларни ҳимоя қилади.

Аммо айрим шахслар тадбиркорлик билан қонунга хилоф равишда шугулланиб, ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатидан устун қўйиб, қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар.

Вилоятда жорий йилнинг 1 июн ҳолатига автотранспортда йўловчи ташиш билан махсус лицензия олиб 1747 шахс фаолият кўрсатиб келган бўлса, 919 нафар шахс қонунга хилоф равишда шугулланиб келган.

Ушбу йўналишда шу йилнинг 5 ойи давомида 9 та текшириш ўтказилиб, 80 га яқин прокурор таъсир чоралари қўлланилди. 3 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Жумладан, О.Салаев ўзига тегишли автомашини лицензиясиз қирақашлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган ҳам ушбу фаолият билан шугулланганлиги учун унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси томонидан бу борада қонунийликни таъминлаш мақсадида тарғибот ишлари янада жонлантирилди. Давлат солиқ инспекциялари, «Автодарётранс» агентлиги, ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси вакилларида иборат гуруҳлар фаолияти устидан назорат кучайтирилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида ноқонуний фаолият кўрсатаётган шахслардан 340 нафари давлат рўйхатидан ўтиб, фаолияти қонунлаштирилди. Лицензиялаштиришдан давлатга 41 млн. 829 минг сўм нақд пул туширилди. Шаҳар ҳудудидида йўл қира ҳақи 100 сўмга туширилди.

Республикаимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, уларнинг ишлаб чиқаришдаги улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз корхоналарининг ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотларида кичик бизнес субъектларининг улуши 35,6 фоизни ташкил этиши, 2007 йилда бу улушни 45 фоизга кўтариш вазифаси алоҳида таъкидланган эди.

(Давоми 2-бетда).

## SHU SONGA XABAR

### ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент вилоят прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб бораётган фаолияти, ярим йиллик яқунлари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари Х. Маъмуровнинг ахбороти тингланди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда жиноятчиликка қарши кураш, фуқаро ва давлат манфаатларини ҳимоялаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир президент фармонлари ижросини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилиб, маъмур йўналишларда назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида Бош прокурор ўринбосари Б. Тойжонов иштирок этди ва муҳокама қилинаётган масала юзасидан фикр билдирди.



Улгурмаган  
бўлсангиз, ҳали  
вақт бор

«Нуқид» газетасига  
2005 йилнинг 2-ярми  
учун обуна давом  
этмоқда.

Индексимиз: — 231

Обуна бўлишга шошилиш!

## ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ

Республика прокуратураси органлари томонидан тижорат банкларининг ҳўжалик юритувчи субъектларга кредитлар берилиши ва уларнинг қайтарилишига оид қонунчилик аҳволи таҳлил қилиниб, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан прокурорлик таъсир чоралари қўйилган келинмоқда. Маълум бўлишича, тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга кредит беришда қонунда белгиланган тартибдаги ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши талаб этилмаган, ажратилган кредитларнинг мақсадли сарфланиши мониторинги тўғри олиб борилмаган, гаровга қўйилган мулкларнинг сақланиши таъминланмаган. Аксарият ҳолларда кредит маблағлари турли йўللار билан нақдлаштирилиб, ўзлаштирилган.

## Кредитлар иштиқболга сарфланиши шарт

2004 йилда прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар якуни бўйича кредитларнинг мақсадсиз сарфланиб, талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан 54 та, жумладан, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўйича 18 та, акциядорлик тижорат «Туронбанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк» 6 та, «Халқ банки» 5 та, «Фаллабанк» 4 та ва бошқа банклар тизимидаги филиаллар бўйича 15 та жиноят иши қўзғатилган.

АТ «Туронбанк»нинг Термиз шаҳар бўлими томонидан яққа тадбиркор Х. Бойбековга берилган кредитдан 2,7 млн. сўм, А.Холмуродовдан 4,2 млн. сўми қайтарилмай, талон-торож қилинган. «Халқ банки»нинг Сурхондарё вилоят Шеробод филиали шахобчаларида 10,2 млн. сўм, Денов филиали шахобчаларида 11,7 млн. сўм мансабдор шахслар томонидан ўзлаштирилган.

Жумладан, Наманган вилояти Учкўрғон филиалида 10,5 млн., Фарғона шаҳар филиалида 10,4 млн. сўмлик маблағлар ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилинган. Ушбу ҳолатлар бўйича айбдорлар жавобгарликка тортилган.

2005 йилнинг ўтган даврида ҳам тижорат банкларининг кредитлари берилишида бир қатор қонунбузилишлар аниқланди.

Хусусан, «Халқ банки» тизимида берилган кредитлардан 1,8 млрд. сўмининг қайтариш мuddати ўтказилиб юборилган. Ушбу банкнинг Сурхондарё вилоят филиали ва туман бўлимлари мансабдорлари томонидан ноқонуний равишда кредитлар берилиб, 69 млн. сўмлик кредитлар ва 12,3 млн. сўмлик фойзаларни унди-

риш чоралари қўрилмаган.

Тошкент вилоятининг Зангиота филиали мансабдорлари томонидан тўлов қобилиятига эга бўлмаган «Файиз-шоп» масъулияти чекланган жамиятига 34 млн. сўмлик кредит берилиши оқибатида жамият раиси А.Мавлонов ушбу кредитдан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб, талон-торож қилган. Банкнинг Ангрэн шаҳар филиали мансабдорлари эса фўқаро Р.Халиловага тегишли ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштирмасдан 2,2 млн. сўмлик кредит бериб, қайтариш чорасини кўрмаган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Айрим тижорат банкларининг мансабдорлари томонидан мижозларнинг ҳуқуқлари поймол этилиб, уларнинг ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилинган.

Хусусан, АТ «Савдогарбанк»нинг Самарқанд вилояти Иштихон тумани бўлими мансабдорлари транш маблағлардан 54,1 млн. сўмини бошқа мақсадларга сарфлаб, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари манфаатларига зарар етказишган бўлса, АТ «Пахтабанк»нинг Оқтош бўлимида 187,2 млн. сўмлик, Лойиш бўлимида 48,6 млн. сўмлик, «Халқ банки»нинг Иштихон тумани филиалида 12,5 млн. сўмлик, «Тадбиркорбанк»нинг Лойиш бўлимида 36,8 млн. сўмлик «Пахта-2004» транш маблағлари бошқа мақсадларга ишлатилган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича банкларнинг мансабдор шахслари Р.Янгигоев, Ш.Тиркашев, Х.Жабборов, Ш.Мардиев, А.Умировларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

Шу ўринда яна бир ҳолатга тўхталмай иложиниш йўқ, Бу ҳам бўлса, айрим вилоят ва туман ҳокимлари томонидан банк муассасаларининг пул маблағларини банк фаолиятига тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтириш ҳолларига йўл қўйилганлигидир. Бухоро вилояти Когон тумани ҳокимининг 2004 йил 10 декабрдаги фармойишига асосан, туман ҳокимлиги томонидан ташкиллаштирилган «Ҳосил байрами» учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Тадбиркорбанк»-

ларининг Когон тумани филиаллари ҳомий ташкилотлар сифатида жалб этилган. Ёки Сирдарё вилояти ҳокимининг 2005 йил 10 февралдаги топшириқномаси ҳамда 19 мартдаги мажлис баёнига асосан, тижорат банклари томонидан «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» Сирдарё филиалига ва «Сирдарё» футбол жамоасини қўллаб-қувватлаш учун 2,4 млн. сўм, 2005 йил 11 мартдаги фармойишига асосан эса «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳисоб рақамига 1,7 млн. сўм ҳайрияти маблағлари ўтказиб бериш белгиланган.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш учун вилоят ҳокиминомига тақдимнома киритилиб, ноқонуний ҳужжатларга протестлар келтирилган.

Хулоса ўрнидашуни айтиш мумкинки, айрим банк раҳбарлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, қуйи банклар фаолияти устидан назоратни суғултириб юборишган. Оқибатда базви ҳокимларнинг ноқонуний қарор ва фармойишлари ижро этилишига сабаб бўлган.

**И. ТўРАЕВ,**  
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

## FAOLIYATGA NAZAR

## Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

«Хурматан Рашид Ҳамидович!

Республика Бош прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган савобли ишларидан ОАВлари орқали бохабар бўлиб бораёмиз. Сизга ушбу миннатдорчилик хатини ёзишимнинг сабаби 5 йилдан буён уй қуриш учун ҳокимликка ариза ёзиб ижобий жавоб ололмаётган эдик. Шу йилнинг 23 май куни сизнинг номингизга ёрдам сўраб ариза билан мурожаат қилган эдим. Прокуратуранинг аралашуvidан сўнг ҳокимликдан ер ажратилганлиги тўғрисида хабар беришди. Бунинг учун сизга ва аризамизнинг ижобий ҳал бўлишига ҳисса қўшган прокуратура ходимларига миннатдорчилик билдираёмиз», — дейди Фарғона вилоятининг Бешариқ шахрида яшовчи Мирзохид Урмонов.

Шунингдек, 2005 йилнинг 1-ярмида фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими ташаббуси билан республика президенти девонидан юборилган 19 та ҳамда Бош прокурор номига йўлланган 29 та фўқаронинг ариза ва шикоятлари назоратга олиниб, қонуний ҳал этилиши учун вилоят прокуратураларига юборилган.

Ўтказилган текширишлар натижасида айрим фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, қонун устуворлиги таъминланган.

Жумладан, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яшовчи З.Бўронова 2005 йил 5 май куни икки нафар воёга етмаган фарзандлари учун собиқ турмуш ўртоғи З.Бўроновдан нафақа ундириб берилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган эди. Прокуратура аралашуvidан сўнг 217.600 сўмлик нафақа пуллари ундириб берилди.

Кейинги пайтларда маошларини ўз вақтида ололмаётган фуқароларнинг прокуратурага мурожаат қилиш ҳоллари анча кўпаймоқда.

Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш борасида прокуратура органлари кўплаб савобли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жиҳдувонлик Ш.Юсупов ва бошқаларнинг «Бухоросувхизмат» очик турдаги акциядорлик жамиятидан иш ҳақларини ололмаётганликлари ҳақидаги аризалари қаноатлантирилиб, иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Ҳар куни Бош прокуратуранинг фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлимига бундай миннатдорчилик хатлардан кўплаб келади.

Адолат истаб келган ҳар бир фўқарога прокуратуранинг эшиклари очик. Биз юртимиз фўқароларининг қонуний ҳуқуқларини тиклашга доим тайёриймиз.

**Шўҳрат КАҲҲОРОВ,**  
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори



Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Қ.Тиллабоев (чапдан биринчи) Косонсой туманидаги «Тергачи» ширкат ҳўжалиги галлакорлари билан.

## ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Хоразм вилоятида жорий йилнинг ўтган 5 ойда ушбу режа 51,1 млрд. сўмга бажарилган бўлса, шундан 3,7 млрд. сўми тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади.

Вилоятимиз оролбўйи минтақасида жойлашганлиги сабабли иқлим шароити, табиати билан ажралиб туради.

Вилоятда ҳозирги кунда 39 та қўшма корхона ташкил қилинган бўлса-да, уларнинг 8 таси хом-ашё йўқлиги ва молиявий маблағ ёки ускуналар етишмаслиги сабабли фаолиятини давом эттиролмаётган.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналарни фақат марказга яқин ҳудудларда эмас балки, узоқ вилоятларда, чекка қишлоқларда қуриб ишга туширишга эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, вилоятимизда темир йўлда ташиладиган юклар қўшни Туркменистон давлати орқали олиб ўтилиб, катта миқдорда валюта тўлови амалга оширилган эди. Утган йили Амударё устига қурилган кўприк тадбиркорларимизга темир йўл орқали юкларини нисбатан арзон тўлов ҳисобига олиб келиш имкониятини яратди. Айни пайтда вилоятда тўқимачилик саноати ривожланимоқда.

Тадбиркорлар билан бўлган суҳбатларда улар ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда республика валюта биржасида маблағларини конвертация қилиниш жараёнини, айрим товарларга белгиланган акциз солиқларини қайта қўриб чиқилишига умид боғлаганликларини баён қилишди.

Ислохотлар давом этмоқда, уларни ҳаётга татбиқ этилишида барчамиз фаоллик кўрсатишимиз лозим.

**Баҳодир САРДОРОВ,**  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

## ПРОКУРАТУРА АРАЛASHGACH

## БОЛАЛАР ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗАБ

Туман прокуратурасига «Файзобод» ва «Искандаробод» қишлоғида яшовчи 200 нафардан ошдиқ фўқаро ариза билан мурожаат қилиб, «Жилвон» масивига жойлашган А.Қодирий номи 29-ўрта мактабининг эски биноси бекордан бекорга «сотиб» юборилаётганлиги, бино мактаб ихтиёрига қайтарилса, ҳали кўп йиллар хизмат қилиши мумкинлигини эътироф қилишганди. Шофиркон ширкат ҳўжалигининг тарқатилиши ва фермер ҳўжаликлари айлантириш жараёнида мазкур эски бино сотувга қўйилган эди. Ота-оналарнинг қунончаклик билан ёзган шикоятига асосан мактаб биносининг олди-сотиди шартномаси бекор қилиниб, у ҳалқ таълими бўлими балансига ўтказилди. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларининг 3-4 километр йўл босиб юрмай, ўз қишлоғида таълим олишини таъминлайди.

**Ўқтам СУЛТОНОВ,**  
Шофиркон туман прокурори

## EGRI YO'L ADOG'I

Ҳаммининг иродаси ҳар хил. Биров сезгир, ҳозиржавоб бўлса, биронинг дунёкараши пастроқ. Баъзиларда эса мустақил фикрнинг ўзи шаклланиб етмаган бўлади. Айрим нопок кимсалар арзимаган чой-чака деб кадрдон таниш-билишларни чув туширишга ёки ўз кирдиқорларини амалга оширишда соддадил ёшларимизнинг ишонувчанлик ҳислатларидан гаразли мақсадлардан фойдаланишга уринишмоқда.

## БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОНИ

Тойлоқ туманининг Ястепа қишлоғида яшовчи Абдумутал Эргашев ҳам ўйламай босилган бергина қадам туфайли оқлаб бўлмас жиноятга сабаби бўлиб қолди. Карим исмли нотаниш йигит бир-икки марта ёнига келиб, унинг ишончини эғаллади. Жойнамоз устида ҳам, дастурхон устида ҳам ўзини уруғ-аймоқдек тутиб, унинг онгига таъсир кўрсатади. Бошида тўрт-бешта қўлланма олиб келган бўлса, кейинчалик даста-даста китоб ҳамда варақаларни олиб келадиган бўлди. Абдумутал эса «жаннати» инсон бўлиш ниятида тинмай мугтолаа қиларди. Бора-бора ўзи тенги ўспирин йигитларга уларни тарғиб этиб, тарқата бошлади. Коса остида қандай нимқоса турганини эса у панжара ортига тушган англади.

Адаб қишлоғида яшовчи Орифбой Зоиров ҳам бинойидек йигит. У ҳам Абдумутал каби кўр-кўроналик билан бу йўлга кириб қолди. Натижада эса...

ЖКнинг тегишли моддаларига кўра А.Эргашев ҳамда О.Зоировлар қилмишига яраша жазосини олишди.

Шундай жиноятлар борки, уни оқлаб бўлмайди. Бу ватанга хиёнатдир. Ким дўст, ким душман эканлигини англайлик.

**Эгамберди РЎЗИЕВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

## NUQTAI NAZAR

«Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир», деган эди XVIII асрдан туриб француз маърифатпарвари Дантион. Мактабнинг «нондан сўнг энг муҳими» эканлиги борасида ўзимизнинг маърифатпарварларимиз ҳам аллақачон ягона тўхтама қелиб қўйишган.

«Мактаб» деган сўз тилимизда нечоғли кенг маъноларни англатмасин, унинг ўзагидаги «китоб» сўзи боис биз энг аввал таълим даргоҳини, аниқроқ айтганимизда, умумтаълим даргоҳини тушунамиз. Яъни, бизнинг тушунчамиздаги мактаб инсонни ҳаётнинг турфа имтиҳонларига тайёрлаб, жамиятга йўлланма берадиган ўзига хос муассасадир. Бошқача айтганда, мактаб индивиддан шахсни камол топтирувчи маскан. Унинг биринчи ва энг муҳим функцияси ёш авлодга фан асосларининг бошланғич тушунчаларини етказиш ва тарбия беришдан иборат. Муайян шахснинг жамиятда қандай ўрин тутиши унинг мактаб тахсили даражаси билан илчаниши бежизга эмас.

Хўш, таърифини келтираётганимиз мактаб бугунимиз ва эртанимиз учун нима бермоқда? Ўз номи билан халқ таълими тизимининг ўзагини ташкил этадиган умумтаълим мактаби бугун қай аҳволда? Бу ҳақда кўп гапирилмоқда, ҳамкасбларимиз ҳам мулоҳаза юритишдан эринмаяпти.

Маълумки, мактабнинг «маҳсулоти» унда таълим олган ва олаётган ўқувчи, «маҳсулот» сифати эса унинг эгаллаган билими ва тарбияси билан ўлчанади. Гап бугунги мактаблардаги педагог кадрлар савияси масаласига келиб тақалмоқда (*савия ҳоқида гапириш учун Сўхрот бўлиш шарт эмас. Муаллиф*).

«2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривохлантириш умуммиллий дастури» қабул қилинганга ҳам бир йил бўлди. Дастурнинг асосий йўналишларидан бири умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатни рағбатлантиришнинг кўзда тутиди.

Эътироф этиш керак, ўтган вақт

ичида бу йўналишда анча-мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Дастур 2004-2009 йиллар учун мўлжалланган, демак ҳали жараён давом этади. Шу боис бугун ислохотлар жараёнига эътиборсиз қарамасак, эртага «персонал танқислиги» ва миллат интеллектининг ўтмаслашуви каби муаммолар пайдо бўлишининг олдини олишга дуруш қўшган бўламиз.

Бир дўстим куйиниб гапириб қолди:

—Мактабда ўқийдиган жиянимдан савол сўрадим. Жавоб беролмади. Мактаб боласи билиши керак бўлган оддий масалалар эди. Аччиқланиб сўрадим:

— Муаллимнинг ким?

— Фалончи опа...

Танимас эканман. Суриштирдим. Таниб ҳайрон бўлдим. «Фалончи опа» ўзимнинг ўн йил бирга ўқиган синфдошим бўлиб чиқди.

—Синфдошинг муаллима экан, бунинг нимасига ҳайрон

қилсинлар. Лекин ана шундай том маънодаги муаллимлар орасига «адашиб» кириб қолган ва «ўқитувчилик — сабаби тирикчилик» қабилда юрганлар борлиги ҳам рост. Ёш авлоднинг чаласавод бўлиб қолишига сабабчи бўлаётганлар билан мурося чўзилиб кетди, назаримда.

мактабларига қараб етаклаб қолган. Файрилик қилаётганим йўқ.

Талабалик давримизда айрим домлаларимиз «европоток» талабаларининг билими ўзбек гуруҳидан кучли, деб тақдорларни яхши кўришарди. Турган гап, бу бизнинг иззат-нафсимизга тегиб кетарди. Уларга биз ҳам жавоб топ-

муайян фан ўқитувчиси унинг фанига қизиқиши бўлган, шу фан билан боғлиқ соҳада олий маълумот оломоқчи бўлган ўқувчининг ота-онаси билан келишиб (отоналарнинг рози бўлмай илжойи йўқ), бу ўқувчига «қўшимча дарс» беради. Албатта бу дарс соатлари текин бўлмайди (одатда ўқитувчи ўз уйида ўтади). Қолган ўқувчилар, деярли бир синф бола сунъий равишда бу фан ўқитувчисининг билимларидан юзаки «баҳраманд» бўладилар. Яъни, дарс соатлари номигагина ўтилади. Агар бу дарсларини талаб даражасида ўтса, пуллик «қўшимча дарсга» ҳожат қолмайди. Ваҳоланки, ўқитувчига маош (гап унинг қанчалигида эмас) дарс соатлари учун тўланади.

Айни кунларда олий ўқув юртларида абитуриентларни қабул қилиш жараёни якунланиш арафасида. Қизиқиб кўрдим, талабалikka даъвогарлар ҳар йилгидан кам эмас. Лекин бу даъвогарларнинг неча фоизини оддий умумтаълим мактабларининг битирувчилари ташкил этишини била олмадим. Чамамда бу 10 фоизга ям етмас керак.

Умумий таълим мактабларида ва академик лицейлар, мактаб-интернатларда бўлиб шароитларни таққосладим, педагогик жамоалар таркиби билан қизиқдим. Ўртадаги фарқни айтмасам ҳам билиб турибсиз. Шундай экан, 10 фоиз дейишим бесабаб эмас.

Бизда саводхонлик даражаси Осиёнинг манами деган давлатларидагидан юқори. Ана шу кўрсаткични (айни пайтда бу 99,34 фоизни ташкил этади) янада ошириш, ҳеч бўлмаганда шу ҳолатда сақлаб туришни мактабга бўлган эътибор ҳал этади.

Бир қарашда мактаб ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда аллақандай қўшма корхона ёки хориж инвестицияси каби муҳим рол ўйнамайдигандай туюлади. Лекин аслида ҳар қандай тараққиётга пойдевори мактаб — халқ таълими кўяди. Технократия ва «товар фетишизми» устуворлашган жамиятларда ҳам бу инкор этилмайди.

Биринчи марта мактабга бораётган болани кузатганимиз? У ҳали ўзи тузукроқ англаб билмаган орзуларига мактабда етандигандай чексиз иштиёқ билан отланади.

Мана шу беғубор иштиёқ бир бутун миллатнинг эртанги қиёфасини белгилайди. Нима бўлса бўлсин, болаларимиздаги ана шу иштиёқ сўнамсин.

Шавкат ЁДГОРОВ,  
«Нуқуқ» мухбири

# Мактаб бизга нима беради?

бўласан? — Негача ҳайрон бўлмай ахир, ўша синфдошим мактабни зўрга битирганлардан эди-да!

— Бунчалар биздаям бор. Лекин бир нарса дейиш қийин, балки институтда яхши ўқигандир... — Қанақа институт, коллежда ўқиганиниям... эшитмаганман. Балки хабарим бўлмагандир. Жиянимнинг отасига: «Болани бошқа синфга ўтказинг» десам, қўл силтаб: «Нима фарқи бор, бошқа синфлариям шу-да. Тўққизини битирсин, лицейга бераман», дейди...

Ўқувчилик пайтимизда бир латифанам гап бўларди. Яъники, ота-оналар мажлисида «иккичи» ўқувчининг онасига фарзандининг ўзлаштиришининг паслигини куйиб-пишиб тушунтирган ўқитувчига содда ана шундай дейди: — «Майли индаманлар, боланинг бўлган-бўлмаши шу. Мактабни тугатиб олсин, малим-салим бўлар...»

Бу билан ҳамма ўқитувчиларнинг билим савиясини шубҳа ва танқид остига ташлаш нияти йўқ. Илми уммон муаллимлар юртимизнинг хоҳлаган мактабларида хоҳлаганча топилади. Улар чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни қабул

Ачинарлиси, мактабни маош оладиган (ва стаж кетадиган) жой деб билганлар ва виждонан ишлаб, маърифат билан ёш авлод йўлини ойдин қилаётганлар деярли бир хилда маош олиб келмоқда. Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашининг тармоқ сеткасига ўтилиши масалага ечим беради, деб умид қилишдан бошқа чора йўқ ҳозирча. Чунки, савиясиз ўқитувчиларни аниқлаш ва баҳридан ўтиш кадрлар танқислиги шароитида маънисиз. Шусиз ҳам ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж нафақа ёшидаги ўқитувчилар ва олий ўқув юрталарининг юқори курс талабалари ҳисобидан қолганиб келинмоқда. Сир эмас, орада мактаб масаласига бироз эътиборнинг камайиши маорифга қимматга тушиди: юзлаб тажрибали, ўткир ўқитувчиларни қўлдан чиқариб юборди. Энди уларни бозордан қайтариш мушкул, қайтгандаям самараси номаълум.

Бир замонлар кўпчилик ўзбеклар фарзандларини «эски мактаб»дан олиб, «рус-тузем мактаби»га берганлар. Ҳозир ҳам шунга ўхшашроқ манзара пайдо бўлаётгандай, кўпчилик боласини рус

дик: «Уларга дарс бераётган ўқитувчиларнинг ҳам билими кучли...» Рус мактабларида миллий мактабларга қараганда яхшироқ таълим берилади деган тушунча бугун пайдо бўлган эмас, фақат айни пайтда яна кучайгандай.

Ўнда гап, оз билган оз ўргатади. Лекин ана шунақа оз билганлар қандай қилиб муаллимга айланадилар? Уларни муаллимликка қабул қилган раҳбар, дейлик мактаб директорининг савияси қандай экан?

Умумтаълим мактаблари директорлари учун ўтказилган аттестация натижалари бу саволга жавоб бўлади: 36 фоизи «эгаллаб турган лавозимига лойиқ», 27,3 фоизи «шартли равишда лойиқ», 14,4 фоизи (!) эса «эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб топилган. Бу рақамлар тизимдаги умумий аҳволдан хабардор кишида аттестация таниш-билишчилик, ўзбекона юзхотирчиликсиз ўтказилган деган хулосани пайдо қилади.

Айрим мактаб ўқитувчилари асос солган ўзига хос «бизнес» турлига қўниқиб ҳам қолаёلمиз. «Қўшимча дарс» усули шулардан бири. Манзара бундай:

АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО АКС-САДО / АКС-САДО

Журналист Жаҳонгир Махсумовнинг «Репетиторлик мавсуми» мақоласида жуда ўткир муаммо ёритилган. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда репетиторлик қилаётган ўқитувчилар жуда кўп. Уларнинг ишига ҳеч қаршилигим йўқ. Болага ҳақиқий билим бериб, ўқишга киргизиб, меҳнатига яраша маънафатдор бўлаётган репетиторларнинг ҳалоли бўлсин. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор.

Маълумки, мамлакатимизда давлат таълим стандартлари тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган. Мактабда ўқувчиларга мазкур стандартлар доирасида билим берилади. Олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонидеда тушадиган тест саволлари ҳам ана шу билимларга асосланади. Демак, ўқишга киришга тайёрланаётган абитуриент мактабда яхши ўқиган бўлса репетиторга на ҳожат? Афсуски, бугун ўша репетиторларга эҳтиёж бор экан, бу ё болалар мактабда яхши ўқимаётганини, ё муаллимлар яхши

## Ёмон муаллимнинг касри

ўқитмаётганини англатади. Энди олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, ўқишга қабул қилинганлар рўйхатидан ўзининг исм-фамилиясини тополмай афтоҳул турган абитуриентни кўз олдингизга келтиринг. Қолбукки унинг шаҳодатномасида қайд этилган баҳоаларга қараб мактабда яхши ўқиган экан дейсиз. Тестдан йиққан жами бали эса максимал 226,8 балл йиғиши мумкин бўлгани ҳолда 50 га ҳам етмайди. Давлат грантини қўлга киритиш у ёқда турсин, шартнома асосида ўқишга кириш учун ҳам камида 150 балл олиш керак. Гап нима ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак: мактабда ўқитувчилар унинг билимини ҳаддан зиёд ошириб баҳолашган. Устозимиз, самарқандлик Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Сувонқул Нормуродовнинг бир гапи бор. «Боланинг ёмони бўлмайди, ёмон ўқитадиган муаллимлар бор», — дейди у киши. Худди мана шундай ўқитувчилар туфайли қўллаб ота-оналар оила бюджетидан ортиқча харажат қилиб боласига репетитор ёллашга мажбур бўлишяпти. Бунга қўрби етмайдиган оила фарзандларининг тақдири кишини ўйлантиради...

Ҳасан НИШОНОВ

## Моҳият

Агар болалардаги шўхликни ўлдирсангиз, сиз ҳеч қачон доноларни етиштира олмайсиз.

ЖАН-ЖАК РУССО,  
француз файласуфи



## Саҳифаларимизда Бухоро вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари

тилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят тиббий-ижтимоий кўмаклашиш марказига 24 турдаги 7.816.447 сўмлик дори-дармонлар етказиб берилган бўлиб, улар кам таъминланган ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатламга тарқатилган.

Соҳада амалга оширилган ишлар, ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ текширишларда соғлиқни сақлаш муассасаларида айрим қонун-

дан жорий йилнинг март ойига қадар компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган 1305 нафар тиббиёт ходимларининг ҳуқуқини поймол эттирган. Уларга нақд пул билан тўланиши лозим бўлган 76 млн. 683 минг сўмлик компенсация тўловлари умуман ҳисобланмаган. Шудаврда 10 млн. 714 минг сўмлик компенсация тўловлари касса орқали тиббиёт ходимларига нақд пул билан тўланган бўлса-да, 2003-2004 йилда 39 млн. 653 минг сўмлик сметада назарда тутилмаган ха-

Дунё тамаддунининг тараққиёти, оламшумул янгиликлар, қўйингки, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг изчил жадаллашуви аввало жамиятда яшайтган инсонларнинг саломатлигига боғлиқ. Жисмонан соғлом инсон маънан баркамолликка интилади. Дунёга теран нигоҳ билан қараб, янгиликлар яратиш йўлида меҳнат қилади.

Вилоят прокуратураси органилари томонидан «2005 йил — Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан соғлиқни сақлаш муассасалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларида «Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Бугунги кунда замонавий би-

## Соғлиқ — Бутўқ Неъмат

лим ва тажрибага эга тиббиёт ходимларига талаб ортмоқда. Шу сабабли вилоят репродуктив саломатлик марказида 91 нафар акушер-гинеколог, 138 нафар терапевт ва умумамалиёт шифокорлари, 341 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ўқитилди.

Барча тез тиббий ёрдам станцияларини зарур тиббий асбоб-ускуналар ва тез тиббий ёрдам автомашиналари учун радиоалоқа воситалари билан таъминлаш мақсадида 42,9 миллион сўмлик маблағ ажратилган.

Вилоятда ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш борасида «DOTS» дастурини амалга ошириш бўйича республика «DOTS» маркази, «Дамийн» фонди (Бельгия) мутахассислари ёрдамида 534 нафар врач, 808 нафар ўрта тиббий ходим ва 28 та тахлилчи ўқитилди. Мазкур дастурни татбиқ этишда Германиянинг «КФВ» банки томонидан ҳомийлик тариксида 21 донa микроскоп, рентген аппарати, махсус дори-дармонлар, тахлилхона жиҳозлари, 20 та тиббий музлатгич ва «Дамас» автомашинаси ажра-

бузишларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларига бюджет ҳисобидан 2004 йил 15 млрд. 90 млн. 68 минг сўм ажратилиб, молиялаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу маблағнинг 4 млрд. 200 млн. 148 минг сўмлик сарфланган.


Ромитан туманидаги юқумли касалликлар шифохонасида ўтказилган текширишда 2004 йилнинг июл-декабр ойларида бўнак ҳамда иш ҳақи берилганлиги ҳақидаги тўлов варақалари ва ишчи-хизматчиларнинг имзолари шифохона бош ҳисобчиси Ақром Жумаев ва бошқалар томонидан қалбақлаштирилиб, давлатнинг 7 млн. 613 минг сўмлик маблағи ўзлаштирилган.

Республика президентининг 2003 йил 27 мартдаги «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб «Уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. Жондор туман марказий касалхонаси мутасаддилари 2003 йил апрели-

ражатларга йўл қўйилган.

Текширишлар натижасига кўра, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг қонунга зид бўлган ҳужжатларига 32 та протест келтирилиб, 12 та тақдимнома киритилди. 20 нафар шахс қонунбузилишга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, 23 нафари интизомий, 40 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўполқонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлардан давлатга етказилган 10 млн. 316 минг сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ундирилиши таъминланди.

Ҳамза  
ФАЙЗИЕВ,  
вилоят  
прокурорининг  
ўринбосари



## МЕН СЕНИ СЕВАМАН, ВАТАН!

Отамни севардим жонимдан ортиқ. Онамни севишим ундан кам эмас. Жисмига жон бағишлаган, шууримга онг, эзгулик уруғини қалбимга қадаб, «яхшиларга ҳамроҳ бўл, болам», дея кўп бора уқтиришган ҳам шулар. Қувончдан бошлари осмон, бахтимдан сармаст, бетоб бўлиб қолсам ёки қийналсам турмушнинг таъшишларидан мендан кўпроқ азият чекишган шулар. Оллоҳ инояти ила менга ҳаёт бағишлаган меҳрибон ва буюқ зотлар — падари бузруквор, волидан муҳтарам! Сизларга нисбатан дилимда қарздорлик ҳисси туғён уриб яшайман. Мен сизни севаман. Сиз менга севишни ўргатдингиз. Сиз борлигингиз учун яшайман.

Фарзандим — ҳаётим боғининг энг хушбўй гули, яшашдек буюқ бахтни инъом этгувчи тонгларимнинг сеҳрли нури, умрим давомчиси, ўтишим ҳамда келажагимнинг жонли занжирисан. Оруларим чечаги — ўзинг. Камолнинг — бахтим. Озод ва обод Ватаннинг баркамол авлодисан. Юрта, миллатга, аждодларимизга муносиб бўл. Адашма, асло! Эл қорига ярайдиган, истиқлол ва эркини қадрлайдиган инсон бўлгин. Унутма, ота-онаси, оиласи, оға-иниларига меҳр-оқибатли бўлган кишигина Ватанига садоқатли бўлади, дейишарди бобонг, бувинглар. Ватанга фидо бўлгучи жонинг — менинг жонимдир.

Шажарамда буюқлар ўтмаган дейману, лекин дилимда «Нега энди?» деган савол туғилади. Амир Темур, Ибн Синодек даҳо, Имом ал-Бухорий, Нодира, Увайсий, буюқ Навоий менга аждод бўлгани ёлгон эмас, чин. Аждодим, авлодим киндик қони тўқилган муқаддас туپроқ, мен сени севаман!

Файзли тонгларингни оллоҳ асрасин. Шуқуҳли қунарларинга кўз тиккан ганимнинг нигоҳи сўнсин. Мен сени севаман, Ватан!

Моҳира ШАКАРОВА



Жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Ҳамроқул Абдиев (ўртада) ҳузурида тезкор йиғилиш.



Жиноятчиликка қарши курашиш ташкилий-услубий таъминлаш бўлими бошлиғи Ш.Насуллоев (чапдан биринчи) терговчилар билан ўқув-амалий машғулотлар пайtida.

Муборак ҳадисларда бировнинг ҳақиға хийнат гуноҳ дейилади. Ўша биров — бемор, касалманд бола бўлсачи?! Нафақат гуноҳ, балки увол ҳам эмасми?! Олим Камолов маълум муддатга бу ҳақиқатни унутди. Кечки овқатдан сўнг дастурхон йиғиштириб олинини биланоқ кўзи илинган Олим Камолов ғаройиб туш кўрди...

Ўзи ишлайдиган боғча ховуздаги тип-тинч сувада сузиб юрган баликча одамдек гапириб, эртақ айтаётган эмиш: «Бор экан, бисёр экан... Қадим...э... йўғ-э, биз яшаб турган замонда сиздек нодон бор экан», дебди-ю думини лиқиллатиб, сувага шўнғибди. Шу пайт Олимнинг ҳаёлига ажайиб фикр келибди. «Бу сеҳрли олтин баликча-ку! Уни қўлга киритсам, барча тилақларим ижобат бўларди. Бойиб кетардим...» Қўлида қармоқ билан узоқ кутиб қолган Олимни олтин баликчанинг шодон кўнгули хушёр тортирибди.

«Виждонингни уйғот, касалманд

болалар ҳақиға кўз тикма...а, гуноҳга ботасан...и», дермиш мавжланган сувадан чиқиб, ҳавода муаллақ турганча баликча.

— Ув...а сен нимага шаъма қиялсан?!

Баликча бир айланиб шалооп этиб ховуз тубига шўнғибди.

— Олтин баликча, олтин... — деганча хансираб уйғониб кетган Олимга хотини иддао билан қаради.

— Ишингиз бор бўлсин-э, дада-си. «Олтин баликча» ҳатто тушин-гизда ҳам тинчлик бермай қўйибди.

Олим хотинига лом-мим дема-са-да кўнгли безовта эди. «Эх, хо-

тин, сен нимани ҳам тушунардиг. Рўзгорингни тўқинлиги қаердан? Туздан тортиб гўштгача, конфету қакао, гречка, ҳаттоки ўрик қоқи ҳам «Олтин баликча»нинг шарофати, ахир».

Болалар ризқидан қийиб, жиноятга қўл урган Олим Камолов хонадониди айнан шундай воқеа бўлган

## «ОЛТИН

дея олмаймиз. Аммо у Ромитон тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Олтин баликча» номи сил ва кам қонли болалар боғчасида ҳўжалик ишлари мудури бўлиб ишлагани, мансабини суинистёмол қилгани рост.

1997 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Олим Камолов боғча омборхонасидаги халталар тўла гуруч, шакар, гречка каби озиқ-овқат маҳсулотларига қараб уйга толди.

Туман прокуратурасига «Истиклол гавҳари» фермер хўжалиги раҳбари М.Астановурожаат қилди. «Сув келтирган хору зор, кўза синдирган азиз» экан-да?! Туман деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси ёнида ташкил этилган «Маркетинг, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар маркази» фаолиятдан норозиман. Негаки, уларнинг айби билан давлатга топширган — дон учун ҳақ ололма-япман».

## Лоқайблик пано бери

М.Астановнинг уржаати ўрганилганда мажбурият марказ раҳбари Г.Қўзиёвнинг лоқайбдиги оқибатида марказ 2004 йилнинг 8 ноябргача «Истиклол гавҳари» фермер хўжалигидан 258 минг мuddати ўтган дебитор қарзи мавжуд экан. Ушбу суммани ундириш учун хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Айрим фермерлар эса, етарли фойда олишайтган бўлишса-да, бировлар ҳисобидан текин даромадни хуш кўришарди. Туман прокуратураси томонидан 2004 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг якуналари ва уни етиштиришда контракция шартномаси интизомига риоя қилмаган фермер хўжаликларига нисбатан тўлов интизомини тартибга солиш мақсадида умумий назорат тартибиди текшириш ўтказилиб, «Ғолиб» фермер хўжалиги ва «Ғала Осиё» машина-трактор парки акционерлик жамияти корхонасининг молиявий фаолияти таҳлил этилди.

Бунда «Ғолиб» фермер хўжалигининг «Ғала Осиё» машина-трактор парки АЖ корхонасидан кўрсатилган техник хизматлар учун 185.1 минг, «Лоша» туманлараро филиалидан олинган ўғитлар эвазига 179 минг сўмлик мuddати ўтган дебитор қарздорлиги аниқланди. «Қовун-қовундан ранг олади» деганларидек, айрим фермер хўжаликлари раҳбарлари нотаналикда бири-бирдан қолишмас экан. «Санжар Алломиш» фермер хўжалигига афсонавий қаҳрамон Алломиш номи берилган. Аммо, Алломишга ҳавасманд фермернинг хатти-ҳаракатларида мардлик, қаҳрамонликдан асар ҳам йўқ. Фермер ўтган йилнинг бошидаёқ «Ғала Осиё» машина-трактор парки корхонаси билан пахта етиштиришда зарур агротехник тадбирлар учун контракция шартномасини тузган. Ҳосил йиғиб-териб давлатга сотилган бўлса-да, ҳамкорлар билан иши бўлмаган. Туман прокуратураси аралашуви билан контракция шартномаси қоидаларига амал қилмаган фермер хўжаликлари ҳисобидан «Ғала Осиё» машина-трактор парки АЖ корхонаси ва вилоят «Қишлоқхўжалиқим» акциядорлик жамиятининг «Лошо» туманлараро филиали фойдасига етказилган зарарни ундириш учун хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Давлат СОИБОВ,  
Бухоро туман прокурори



Вилоят прокуратураси халқаро ҳуқуқ масалалари бўлими бошлиғи (ўртада) А.Ишонкулов, иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи (сўнда) З.Жўраев ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т.Қобилов

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежларида кадрлар танлаш, ўқувчиларни касбга тайёрлаш, тарбиялаш ишларининг сифати, моддий техника таъминоти ҳамда капитал қурилиш ва жорий таъмирлаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши қай аҳволда? Ёғидувон туман прокуратураси қонунлар ижроси устидан тумандаги 5 та касб-ҳунар коллежиди текшириш ўтказди.

Тиббиёт коллежиди 84 нафар педагог-ҳодимлар талабаларга илм-фан сирларини ўргатиб келишарди. Ўқув масканиди ўқувчилар учун 3 та компьютер синфи, ўқув лаборатория, спорт ва фаоллар зали янги педагогик технология асосиди қурилган.

Бир соатлик яхши дарс буюк асар сифатиди изохланиши бежиз эмас. Чунки ўқувчи тафаккури машғулотлар жараёнида шакллани

## БИР СОАТЛИК ДАРС

нади. Таҳлилди талабаларнинг фанлардан ўзлаштириш даражасига ҳам эътибор қаратилди. Аниқланилса, тиббиётда, энг кўп керак бўлаган математика, кимё фанларидан ўқувчиларнинг билим савиясини яхши, деб бўлмади.

Журналларни юритиш, ўқувчилар билимини баҳолаш ишлари ҳам

камчиликлардан ҳоли эмас. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларда билимларини ошириш учун кутубхона, қироатхона фаолият юритмоқда.

Аммо тиббиёт ҳодимлари етказиб бераётган бу масканда қизлар

гигиенаси, биринчи тиббий ёрдам хоналари жиҳозлари, дори-дармонлар йўқ.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим қуролдир. Бироқ, тумандаги қишлоқ хўжалик ва касб-ҳунар коллежиди ўқитувчилар ва раҳбарият

нинг лоқайбдиги боис ўтган даврда ўқувчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари ўртасиди бирор марта ҳам мулоқот ўтказилмаган.

Ҳукуматимиз томонидан бундай илм масканларида тахсил олаёт

ган ёшлар учун кўпгина шарт-шароитлар яратилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бироқ коллежда 2004 йил 1 март ҳолатиди 46182.0 минг сўмлик жиҳозлар мавжуд бўлса-да, улардан фойдаланилмаган. Қизлар гигиена хонаси, дезинфекцияловчи воситалар захираси яратилмаган. Ўқувчиларни тиббий

қўриқдан ўтказиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шунингдек, текширишда Армечан маъий хизмат ҳамди қурилиш ва коммунал коллежларида бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Ўқув масканларида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамди етим болаларга моддий ва ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмаган.

Юқориди тилга олганимиз касб-ҳунар коллежи раҳбарлари номига тақдирнома киритилди. Аниқланган қонунбузилишлар юзасиди тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Уйғун ҚОЗОҚОВ,  
Ғидувон туман прокурори  
ўринбосари

«Кўпнинг қозониди яласам сезилмас... Ҳар ҳолди хўжалик ишлари мудириман. Қозон-қалам қўлима. Рақамларни «ўйнатили» ихтиёрида. Ҳисоботлардаги мудира опанинг имзосини ҳам амалласа бўлади».

Илк марта қинғирликка қўл уриб, 1.801.830 сўмлик озиқ-овқат маҳ

нун ҳолди тамшаниб қўярди.

Аллақачон жиноятчиға айланиб улгурган хўжалик ишлари мудирини ҳар кун ишға келиши биланок ранглари синиққан касалманд болаларни, ундан эътирозли нигоҳларини узмаётган ошхона ҳодимларини кузатадиган бўлди. «Нимадан норози булар, тушунмайман. Қозон қай

виждони ҳам қийналмади.

Ёнбошлаган қўйи телевизор томоша қилаётган Олимни уйку элтиди. Ғаройиб туш кўра бошлаган хўжалик ишлари мудирини аҳён-аҳёнда галати овоз чиқариб қўярди...

Боғча ҳовлисидаги ҳовузчаннинг атрофиди ўтирган болақайлар олтин балиқчаға ёлвориларди:

## БАЛИҚЧА»ДАГИ САРГУЗАШТ

сулотларини ўзлаштирганида бир неча кун унга мўлтираб турган болақайлар кўзига қарай олмади, қийналди. Аммо ақлидан устун келган нафс унга «бозоб бўлиш керак» дея уқитди, шевилли, О.Қамолов ҳеч нарси бўлмагандек юраверди. Халқ таълими бўлимига топшириш лозим бўлган ҳисоботларда боғча мудираси Дилором Халилова-нинг ўрнига жимжимадор қилиб имзо чекар экан, ўз ишидан мам

наятими? Қайнапти. Гўштлими, гўштсизми, бир ёвгон овқат пишса бўлди-да».

Игирма олти турдаги 6.254.964 сўмлик халқ хўжалиги истеъмол моллари ҳамди озиқ-овқат маҳсулотларини гумдон қилган О.Қамолов «ўрага сичкон тушди, гулдур-гуп» деганча бошини елкалари орасига яшириб юзверди. Сохта имзою, қалбаки ҳужжатлар тайёрлашга қўли келиб қолгани боис, бу гал

— Хўжалик ишлари мудирини насибнамзини туя қилаяпти, бизга ёрдам...м бе-е-ер.

— Ие, ие, нималар дейишарди хумпарлар. Ҳаммаси ёлгон, ҳаммаси ёлгон. Ишонма...а, Олтин балиқча, ишонма...а...

— Қўзингизни очинг-э, «Олтин балиқча», «Олтин балиқча», дея бир кун...


Совуқ тер босиб уйғонган эр бу туш хосиятли эмаслигини сезди.

Хотини айтган ўша бир кун қонунга рўбарў келган кун эди.

Ромитан туман халқ таълими бўлимига қарашли «Олтин балиқча» сил ва кам қонли болалар учун ихтисослашган боғча хўжалик ишлари мудирини Олим Қамолов 8.056.794 минг мулкни талон-торож қилиб юборди. Жиноятчи бурч масъулияти, мажбурият хисси, асосийси, одабийлики унутди. Йўқса, касалманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ризқини қийиб, рўзгор тебратмас эди.

Етказилган зарар ҳам ундирилди. Аммо эл назаридан тушиб, виждон азобининг жароҳати ўрнини вақт даволай олармикан?!

Тождиди ҚОБИЛОВ,  
Бухоро вилоят прокуратурасининг алоҳиди муҳим ишлар бўйича терговчиси



Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Собиров ҳамди прокурор ёрдамчиси С.Ашуров маҳалла фаоллари билан.



## SUD OCHERKI

2002 йилнинг кузи. Олд ойнасига «Хоразм-Тошкент» деган ёзув ўратилган автобус йўлга чиқиши билан, ҳозиргина гала-ғовдур бўлиб турган салонга бир зум жимлик чўкди.

— Мана, худо хоҳласа ҳадемай Тошкентда бўламиз, — ёнидаги ҳамроҳига гап қотди ўрта қаторда ўтирган аёл.

— Ҳа, нимасини айтасиз. Йўл бўлсин? Тўйгами дейман?

— Топдингиз. Акам тўй қилаётган эди. Жигарчилиқ. Бормасангиз бўлмаса. Ўзингиз-чи?

— Тирчилик вақидан, ўргилай. Хоразмдан Тошкентга гуруч олиб бориб сотаман.

— Тушуми қалай бўлапти?

— Унчалик эмас. Гоҳида шундан-шунга овоза бўлганингизга арзимайди.

— Ҳа, мен ҳам бунча иш билан шугулланиб тураман. Эрим билан Туркменистондан мол олиб келиб сотиб ҳам кўрдим.

тахтта олиб келиб қўйди. Дўкон айланиш баҳонасида уйдан чиққан Дилбар тўғри Хадра майдонига йўл олди. У ерда келишилгандек Хосият кутиб турган экан.

— Мана бу ерда 100 грамм. Менга грамм учун 13 мингдан берсангиз бўлади. Устига ўзингизникини кўярсиз. Натожасини қанча билмас бўлади?

— Билмасам, ўзлари телефон қилиб қолишса керак. Сиз кўнгирак қилиб турунг. Бир ойларда сотилса керак...

Ҳақиқатан ҳам Дилбар Хоразмга қайтганидан кейин икки ҳафта ўтгач, Қодир кўнгирак қилиб қолди. Дилбардан «хушхабар»ни эшитдию шу куни Майя билан Урганчага етиб келди. Дилбар Хосият ўргатганидек, ўзининг ҳам хиссасини қўшиб 100 грамм героинни 1 млн. 600 мингга сотишни айтди. Унинг нархи эр-хотинни қониқтирди шеклини, улар шу заҳоти молни олишдию ўрнига бриллиант кўзли тилла узук билан

Сирғали туманида учрашди. Бу сафар Дилбар Хосиятга келишгандек 2 млн. 500 минг сўм ҳамда 100 АҚШ долларини беради.

Шундан сўнг ўша йилнинг июл ойида дугоналар 200 грамм, октябр ойида 300 грамм, декабр ойида яна 300 грамм героинни туркменистонлик эр-хотинларга ўтказишди. Бу пайтда улар шунчалик яқинлашиб кетишган эдики, охири сафар Хосият пулни олиш учун Дилбарнинг уйига келади. Аксига олиб Дилбарнинг эри уйда экан. Меҳмон унга ўзини тилла билан шугулланаман дея таништиради.

2004 йилнинг июнида Дилбар эри билан ўғлининг ўқиши кириши учун ҳужжатларини тайёрлаш баҳонасида Тошкентга келишди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, Хосиятнинг анчадан бери жим бўлиб кетганлиги-дан хавотир олган



## ISCHKILIKBOZLIK — ILLAT

## ЎЗ БОШИГА ЎЗИ ЕТДИ

Касб тақозоси билан қўллаб суд жараёнларида қатнашишга тўғри келади. Турли фел-автодаги одамларга дуч келамиз. Суд жараёнида шў қўрилар экан, судланувчининг бу ерга келмасдан олдинги юриш-туриши, оилавий ҳаёти, бутун бир тарихи қафсда аниқ бўлиб қолади. Баъзи бирларнинг ўтмишини билган эса, уларга ачинишни ҳам, жазо қўллашни ҳам билмай қоласан киши. Судланувчи Галинанинг ўтмишини билгандан кейин ҳам худди шундай ҳолатга тушдим. У бир инсон умрига зомин бўлганди. Судда айтишча, ўша вазиятда ўзини билмай қолганимиз ва беҳосадан... Билмадим, балки бундай бўлишига носоголом оила муҳити сабаб бўлгандир, балки унинг ҳаётини бутунлай эгаллаб олган ичкиликни бунга сабаб қилиб кўрсатармик. Ҳар ҳолда ақлу ҳуши жойида, ёши қирқдан ошиб қолган Галинанинг ҳаётдан мақсади бу эмасди.

Галина бу уйда олти йилдан буён яшарди. Иван билан қонунчи никоҳдан ўтишмаган бўлишса-да, аллақачон оила аъзосига айланиб улгурган, баъзи бир масалаларда сўзини ўтказишга ҳам ҳаракат қиларди. Оилада фақат Иваннинг онаси пул топарди. У эрталаб сигарет ва бошқа майда-чўдалар солинган сумкасини кўтарганга кўчада савдо қилиш учун чиқиб кетарди. Ҳеч қаерда ишламайдиган оиланинг бошқа аъзолари эса кунни бекорчиликда ўтказишарди.

Эрталаб соат тўққизларда кириб келган дугонаси Светани Галина очикўнгиллик билан кутиб олди. Бироз гаплашиб ўтиришгач, Света дугонасини уйига тақлиф қилди. Шундоқ ҳам уйда зерикиб ўтирган Галина бунга бажону дил рози бўлди. Светаникига етиб боришгач, меҳмон мезбонни қийнаб қўйгиси келмади. Саҳийлик билан сумкасидан пул чиқариб дугонасига тутди:

— Мана бунга битта «водка» олиб кел. Бир маза қилайлик.

Света уйнинг ёнидаги дўконга ўтиб битта «водка» олиб келди. Кейин икки дугона дардлашганча ароқни аёла бошлашди. Лекин уларнинг нафси битта ароқ билан чекланмади. Биринчи ароқдан кейин яна бир марта чиқиб келган Света меҳмондорчиликни жуда маромига етказмоқчи бўлди. Иккинчи ароқдан кейин икки дугонанинг бўлари бўлиб қолган, ўзларини тўғри юришга мажбوري йўқ эди. Галина кеч бўлганини ҳам билмасдан ўтирган жойида уйқуга кетди.

Эрталаб туришганда иккисининг ҳам боши ёрулгудек бўлар, кечаги ичган ароқлари ишчини кўрсатаётган эди. Бундан қутулиш мақсадига Галина яна пул чиқариб дугонасига берди. Светага ҳам айнан шу керак эди. Теъдда кўчага чиқиб ароқ топиб келди. Бошқорикни тутатишга, яна ётиб ухлаб қолишди. Бир маҳал эшик кўнжирогидан уйғонган Света гандираклаб бориб эшикни очиб, дугонасининг эри — Иванни кўрди.

— Галина шу ердими?

— Ҳа шу ерда. Қани ичкарига кир, — мезбон уни уйга тақлиф қилди.

Кўзлари сузулиб ўтирган Галинани кўрган Иваннинг бироз жаҳли чиққан бўлди:

— Нега ўйи бормаяпсан? Кеча эрталаб уйдан чиқиб кетган эдинг-ку.

— Нимага менга бақирасан? Йўқол, қачон хоҳласан ўшанда кетаман.

Воқеанинг бундай тус олишини истамоган Света Иванни ўтиришга ундади-да, ўзи кўчага чиқиб кетди. Назариди орадаги совуқчиликни иситадиган, ҳафани хурсанд қиладиган ҳам ўша ароқ эди. Бошида шундай ҳам бўлди. Битта ароқни бўшатган уювлон бироз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирган бўлди. Бироздан кейин Света ётиш учун бошқа хонага ўтиб кетди. Кўп ўтмай Иван ташқарига қоронғулик қўқанини кўриб кетамизга тушиб қолди. Лекин Галинанинг ҳали ҳам кетгиси йўқ эди. Иван қанча ҳаракат қилмасин хотинини уйга олиб кетишининг уйдасидан чиқолмади. Кайтага икковининг орасида жанжал чиқиб, бир-бирини ҳақоратли сўзлар билан сийлай бошлашди. Бу эса Иваннинг жазавасини кўзатиб. У Галинанинг юзига шапалоқ тортиб, уйга кетишга мажбурлади. Шу маҳал эрининг ҳаммаларидан кўржиб орқага тисарилаётган Галинанинг қўли стол устидан турган пичоққа тегиб. Кейин эса уни маҳкам сиққанча Иваннинг кўрқарига бир марта тикиб қолди. У кўрқарини ушлаганча аста бўкилиб ўтириб қолди. Галина қўлидаги пичоқни стол устига қўйиб, чеккиш учун балкonga чиқди. Чеккиб бўлиб қайтиб кирган Галина эрининг полда юзбунга ётганини, полдаги қонни кўриб нима қилиб қўйганилини англаб етгандек бўлди. Ўзи боришга кўржиб қўшни хонада ётган Светани уятди. «Тез ёрдам» чақиртирди. Афсуски, Иваннинг ҳаётини сақлаб қолишининг иложи бўлмади. Галинани эса бир инсоннинг қотили сифатида қамқоққа олишди.

Суд ишончига етди. Галина ўн йилга озодликдан маҳрум этилди. Юқорида айтганимиздек, Галина бундай бўлишнинг хоҳламаганди. Лекин бунга ўзи зомин яратди. Халқимизда шундай нақл бор: «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас». Галина ҳам ичкиликка ўрганган, носоголом муҳитда яшашни одат қилганди. Охириқибат мана шу йўл уни жарга улоқтирди.

Қалқон ЖҲРАЕВ,  
Олмалик шаҳар прокурори

Сўнгги пайтларда бозорларда савдо билан эркакларга қараганда аёлларнинг кўпроқ шугулланаётганига ўрганиб ҳам қолдик. Бозор иқтисодиёти пайтида бундай ҳолни табиий қабул қилишимиз ҳам мумкин, балки. Аммо гоҳида айрим бозорчи аёлларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўзларни эшитиб, унча-мунча чапани эркак ҳам уятдан қаерга яширинишни билмай қолади. «Кўр кўрни қоронғуда топади» деганларидек, бундай муҳитда «тарбия» кўрганлар йўлдами, чўлдами тезда тил топишади.



Кейин Россияга мева-чева олиб бордик. Ҳар қалай йўқдан кўра...

— Менга қаранг, ҳар қалай «опит»-нингиз бор экан. Агар йўқ демасангиз, битта тақлифим бор эди. Четта уч-тўрт қатнаб тоғлангизни бу йўл билан бир дугана топасиз.

— Нима экан?

— «Опасный» томони бор-ку, аммо «чум»-қуддан кўрққан тариқ экмайди», тўғрими?

— Гапир қолсангизчи? Одамни қийна-вордингиз-ку.

— Тожикистонда Зухра исмли танишим бор. Унда халигини тозасидан бўлиб туради. Агар ишончли «клиент» топиб, молни ўтказса олсангиз, мен Зухрадан мол олиб келиб берадим. Сизни ишингиз фақат сотиб бериш бўлади. Устига «процент»-ингизни қўясиз. Қарабизки, тез кунда у ёқ-бу ёққа қатнаб юришга ҳам ҳожат қолмайди.

— Яхши бўларди-ку, одам кўржади-да.

— И-е, нимасидан кўржасиз? Айтаялман-ку молни мен олиб келиб бераман, деб. Ишонсангиз, шу ишни орасидан Тошкентдан уй ҳам сотиб олганман.

— Ростдими?

— Нимага ишонмайсиз. Биласизми бир грамм қанча туради?

— Қанча?

— Анча. Кейин биласиз. Хўш, розимиз-сиз?

— Майли, кўндирдингиз. Айтмоқчи, эсимга тушди, Туркменистонга бориб юрганамда Қодир ҳамда Майя исмли эр-хотинлар билан танишган эдим. Уларнинг гапига қараганда ҳар қанча бўлса ҳам олишаркан. Яна кўйди.

— Уларни қаердан топасиз?

— Уйга тез-тез телефон қилиб туришади.

— Бор экансиз-ку. Бўлмаса гап бундай.

Ҳозир мен ҳам манзилнингизни ёзиб олам. Бир гап бўлса хабарлашамиз.

Орадан бир ойна вақт ўтгач, Дилбар (исмлар ўзгартирилган)нинг Хоразмдаги уйига Хосият телефон қилиб, мол борлигини, иложи бўлса Тошкентда учрашмоқчи эканлигини айтиб қолди. Келаси ҳафтада ҳеч нарсадан хабари йўқ эр Дилбарни пой-

бриллиант кўзли тилла зиракни 2 млн. сўмга нархлаб, гаровга ташлаб кетишди. Орадан беш кун ўтгач, эр-хотин яна Дилбарнинг уйида пайдо бўлишдию бекага нақд 1 млн. 600 минг сўм бериб, гаровдаги тақинчоқларни олиб кетишди. Келгуси ҳафтада Сурхондарёдан Хосият кўнгирак қилиб, героини сотилганини, йўқми деб сўраб қолди. У ҳам «хушхабар»ни эшитиб, эртасигаёқ Урганчага, Дилбарнинг уйига йўл олди. Дилбар меҳмонни илж қарши олиб, келишилгандек, унинг қўлига 1 млн. 250 минг сўм ҳамда 50 АҚШ долларини тутқазиб, 300 минг сўмни олиб қолди. Икки «ҳамкасб» бир-бирларига омад тилаб, шоду хандон хайр-лашди. Шундан сўнг анча пайтгача Хосиятдан дарак бўлмади.

2003 йилнинг бошларида Дилбарнинг уйида телефон жиринглади. Кўнгирак қилаётган Хосият бўлиб, Тошкентда эканлигини, бу сафар ёнида 200 грамм героини борлигини айтиб, тез келишини илтимос қилиб қолди. Албатта Дилбарга эрига билдирмай бўлар-бўлмасга пойтахтга келиб-кейтиш осон эмасди. У бу сафар номи чиққан бир табиини айтиб, даволаниши кераклигини баҳона қилиб йўлга чиқди. Икки дугона бу сафар Қорасарой кўчасида учрашди.

— Мана олажон. Бу ерда 200 грамм. Нархи ўша. Аввал айтганимдек «процент»-ингизни қўяверинг. Мен ўн кулардан кейин Хоразмга бориб, пулни оларман. Ишқилиб хоҳамчилик йўқми?

Энди Дилбарга ўргатишнинг ҳолати йўқ эди. Биринчи «иш»дан 300 минг сўм қолган бўлса, энди 600 минг қолар экан-ку, у нега хафа бўлсин. Фақатгина Қодир билан Майя телефон қилишса бўлгани. Қолганини ўзи билади.

Дилбар уйига, Урганчага қайтганидан сўнг учкун ўтмаёқ эр-хотиннинг кўнжирогига жаранглади. Улар бу сафар ҳам Дилбар айтган нархга қўниб, шу кунгич Урганчага келишди-да, пулни бериб, молни олиб кетишди.

Бу воқеадан беш кун ўтгач, Хосият кўнгирак қилиб, натижани билган, яна пойтахтда учрашишни сўради. Икки дугона эртаси куни

Дилбар бу сафар унинг уйига ўз кўнгирак қилади. Хосият ҳозирча мол йўқлигини, аммо бир ойлардан кейин катта миқдорда бўлишини айтиб, уни хурсанд қилиб қўйди.

Дарҳақиқат, бир ойдан сўнг Хосият Дилбарнинг Тошкентдаги уйига келиб, бир килограмм героини ташлаб кетди. Энди Дилбарнинг олдига бу молни Хоразмга олиб кетиш муаммоси турарди. У таваккал деди-да, героинни олиб, эртаси куни тонгда Урганчага қайтаётган эрининг машинасига ўтирди. Эр-хотин ўтирган «Nexia» машинаси эндигина «Эркин» ДАН постидан ўтаётганда, милиция ҳамда МХХ ходимлари томонидан тўхтатилди. Бундан хавотирга тушган Дилбар, то эри текширувчиларга ҳужжатларини кўрсатунча қоронига боғлаб олган героинини ечиб олди-да, олд ўриндиқнинг тагига ташлаб юборди. Орган ходимлари аввал эри билан уни, сўнгра машинани текшира бошлади-лар...

Икки «дугона» Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир қанча моддалари билан айбдор деб топилиб, Дилбар 11 (ун бир) йил, Хосият эса 15 (ун беш) йил муддатга озодликдан маҳрум этилди-лар. Фақатгина Дилбарга нисбатан амнистия тўғрисидаги фармонни қўллаб, тайинланган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилди.

Бундан ташқари, жиноят ишида фойдаланган Дилбарнинг эрига тегишли бўлган «Nexia» автомашинаси ҳамда Хосият наркотик моддаларини олиб-сотиш тўғрисидаги пулга сотиб олган Тошкентнинг Қозиробод маҳалласидаги квартира ҳам давлат тасарруфига ўтказилди.

Халқимиз «Қозонга яқин юрсанг, қораси юкади» деб бекорга айтмаган. Дилбар Хосиятнинг илгари ҳам шундай иш билан шугуллангани бос икки марта судланганлигини, ҳар гал амнистия акти қўлланилиб, жазодан қутулиб қолганини билганида, балки унга шерик бўлмасамки, икки дугонанинг шерикчилиги ана шундай, анчагина аяғлиги тугади.

Мухтор ЗОИРОВ,  
Республика Бош прокуратураси  
бошқарма бошлигининг ўринбосари



### ХАЛҚАРО НАЙОТ

Бугунги кунда инсоният мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлари бошдан кечирмоқда. Яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, Остона саммитида терроризмнинг пайини қирқиш борасида нафақат ШХТга аъзо бўлган давлатлар миқёсида, балки дунё миқёсида самарали кураш олиб бориш ҳақида аниқ тақлифлар илгари сурилди. Жумладан, Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов мавжуд муаммоларга қарши кураш борасида (терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия) кучларни бирлаштириш, ўзаро ахборот алмаштириш тизимини янада мустаҳкамлаш борасида фикр билдирди. Дарҳақиқат, XXI аср ибтидоида жамият барқарорлиги ва ҳафсизлигига таҳдид солувчи диний экстремизм ҳамда у билан узвий боғлиқ халқаро терроризм энг жирканч услуб сифатида ўзини намойиш қилиб келмоқда. Фикримизнинг далили сифатида кейинги йилларнинг ўзида мамлакатимизда амалга оширилган террорчилик хужжатларини бир эслаб кўрайлик:

1997 йил Наманган Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан амалга оширилган хунрезлик, 1999 йил 16 февралда Тошкентда қилинган террорчилик ҳаракатлари, 2000 йилнинг ёзида бир тўда диний экстремист жангариларнинг Сароисий ва Узун туманларига бостириб кириши, ўша йилнинг ўзида террорчи тўдаларнинг Бўстонлик туманининг Бурчмулла қишлоғида амалга оширилган қонхўрлиги, 2004 йилнинг март ойи охири, апрел бошида ҳамда 30 июл кунини қилинган террорчилик хужжатлари, шу йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари биз

фикр юритаётган халқаро терроризм балоси ҳақиқатан ҳам асиримиз балоси эканлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жаҳон матбуоти 7 июл кунини Англия пойтахти Лондонда амалга оширилган террор-

раккаб жараёнини бошдан кечирмоқда. У ҳам бўлса, қўрқитиш, зўравонлик, инсон қалбига даҳшат солиш, ваҳима уйғотиш, эртанги кунга бўлган умидни сўндиришга қаратилган вайронкор мафкурадан иборат экстремистик

оқибатида 7500 дан кўпроқ инсон ҳалок бўлган. Қарангки, бу террористик хужжатларнинг 500 таси (46,7%) Осиё мамлакатларига тўғри келаётган бўлса, 800 га яқин террорчилик ақллари (24,9%) Яқин шарқ минтақасига тўғри келмоқ-

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг жаҳон геосиёсий тизимидаги аҳамияти ортиб бораётган бир пайтда юртимизни диний ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоя қилиш, қадриятларни асраб-авайлаш,

# ТЕРРОР

чилик хужжатини ҳам кенг ёритмоқда. Ҳозиргача олинган маълумотларга биноан, террорчилик ҳаракатлари оқибатида Лондон метроси ва кўчаларида қарийб 60 нафарга яқин киши ҳалок бўлган. Халқаро терроризм барча қитъалар, барча минтақаларда ўзининг қонли изини қолдирмоқда. Кейинги кунларнинг ўзида Исроил заминидан бир неча бор террорчилик хужури амалга оширилган. Биргина Исроилнинг Нетани шаҳрида амалга оширилган террорчилик натижасида ўнга яқин киши ҳалок бўлган. Исроилга чегарадош Ливанда ҳам вазият барқарор деб бўлмайди. Умуман, кейинги 4-5 ой мобайнида бу мамлакатдаги ички сиёсий вазият анча беқарор бўлиб келмоқда. Бунинг бош сабабларидан бири — Ливанда ҳам турли диний экстремистик ташкилотларнинг фаолият олиб бораётганлигидир. Кунчи кеча Ливан пойтахти Байрутда амалга оширилган террорчилик оқибатида ўнлаб кишилар ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар тарқатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асосий хулоса шундан иборатки, бугунги кунда жаҳон ахли ўта му-



ҳаракатлар, террорчилик уринишлари тараққиётга, миллий тотувликка, давлатлараро муносабатларга ва энг муҳими, минтақалар барқарорлигига раҳна солмоқда.

Яна бир-иккита мисолларга эътиборингизни қаратасан. Бугунги кунда дунё миқёсидаги янги даромаднинг юз фоиз деб олсак, шу маблағнинг беш фоизи (тахминан 2,5 триллион доллар) террорчилар, экстремистлар қўлида айланмоқда.

2,5 триллион доллар Англиядек қудратли давлатнинг бир йиллик ялпи ички маҳсулотидан қарийб икки баробар кўп демакдир. Расмий маълумотларга кўра, кейинги бир йилнинг ўзида дунёда 213 та террорчилик хужжатлари амалга оширилган. Бунинг

да. Бир йилнинг ўзида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Шарқий Европа ҳудудида 250 га яқин (7,8%) кўпуровчилик ҳаракатлари амалга оширилган бўлса, Шимолий, Марказий ва Жанубий Америкада бир йилнинг ўзида 200 дан кўпроқ (6,2%) террорчилик ҳаракатлари содир этилган. Бундай уринишлар Африка қитъаси ва ГАРБий Европада ҳам содир этилмоқда. Ўдингизда бўлса, 2004 йилнинг 11(!) март кунини Испания пойтахти Мадриддаги Аточи темир йўл станциясида амалга оширилган бир қанча террорчилик ҳаракатлари оқибатида 200 дан кўпроқ киши ҳалок бўлган. Албатта, бу рақамлар, қолаверса, бу яқин ўтмишдаги воқеалар негизда оғохликка даъват, доимо хушёр бўлиб яшамок керак, деган хулосалар ётади. Шу билан биргаликда жаҳон ҳам-жамияти олдида турган энг муҳим масалалардан бири халқаро терроризм ва экстремизмга қарши инсониятни бирлаштириш, сиёсий кучларни яна ҳам жипслаштириш, энг мураккаб бўлиб қолган минтақаларга (хусусан, Марказий Осиё минтақасига ҳам) катта эътибор бериш давр тақозосидир.

фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шартларни яратиб бериш, динлараро бағрикенглик (толерантлик) ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, қадимий муштарак анъаналарни ри-вожлантириш долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Зеро, президенти Ислам Каримов таъкидлагандек, «Ислам динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улاردан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, ҳалифалик тузишдек турли хом ҳаёлларни амалга оширишга уринаётган қабил қучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак». Дарҳақиқат, бу вазифалар бутун инсоният олдида турган улкан вазифа бўлиб, унинг муваффақиятли ижроси жаҳон ахлининг омонлиги ва тараққиёт қафолатига айланиши мумкин.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**  
сиёсий шарҳловчи



### ENTIYOT BO'LING, FIRIBGAR!

«Чет эл фирмаси 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизларни хорижда ишлашга тақлиф этади».

«Гарбий Европадаги бизнесмен оила қуриш ниятида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган аёллар ва қизлар билан танишишни истайди».

«Европада ўқишни хоҳлайсизми? Бизнинг фирмамиз бу борада сизга ёрдам беришга тайёр».

Бугун газета ва журнал саҳифаларида, кўчаларга ўрнатилган эълонларда, интернет саҳифаларида мазкур мазмундаги эълонларни кўплаб учратиш мумкин.

Бундай эълонларни ўқиган кўпчилик ёшларимизнинг ҳаловати бузилиши табиий. Тўғрида, ким ҳам хорижга бориб ишлаб, каттагина даромадга эга бўлишни, Европада ўқиш ёзи билимини оширишни хоҳламайди, дейсиз? Чет эллик тижоратчи билан турмуш қуриб бaxтини топишни орзу қиладиган аёллар ҳам топилади. Айниқса, «фалончи Кореяга ишга кетиб, уйига шунақа пул жўнатибди ёки Дубайда ишлаб келиб уй, машина сотиб олибди» деган гаплар қулқура чалингандан сўнг ўзининг, оиласининг моддий шароитини яхшилаш, «одамларга» ўқшаб яшаш истаги қучлик қилиб, чет элга бaxт қушни кидириб кетганлар ва йўлга отланиб турганлар афсус-

ки кўпчиликти ташкил қилмоқда.

Айрим юртдошларимиз текин пишлоқ факатгина қўқондагина бўлишни аксарият ҳолларда унутиб қўядилар. Ваҳоланки, юқоридаги каби эълонларда «сиздан касбий малака ва тақриб, тил билиш талаб этилмайди» қабилдаги жумлалар ҳар қандай одамни хушёр тортириши, ўйлантириши ва ҳатто айрим шубҳаларга боришга ундаши лозим эмасми? Келлинг, гапни чўзмайликда, бугунги кунда траффик (инсон савдоси) қўрбонлари бўлган айрим юртдошларимиз ҳаётига назар ташлайлик.

Наташа, Лилиа ва Б. Аҳмедовлар билан танишмасдан олдин хорижга бориб ишлашни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо Лилиа

Аҳмедова 20 ёшли қизни, агар у Кореяда ишлаб келса, келажакдаги барча орзу-умидлари ушайишига ишонтира олди. Наташа онаси Людмила Петровнага бу тақлифни етказганида, аввалига она бунга қатъий норозилигини билдирди. У қизини Корея давлатига жўнатиши учун ортқ-

ча маблағи йўқлигини ва ёш қиз ёлғиз ўзи ўзга юртда қандай кун қўришни тасаввур ҳам қила олмаслигини қайта-қайта таъкидлади. Аммо орадан бир оз вақт ўтгач, Наташа Кореяга кетиш учун барча харажатларни «ҳомийлар» қўтараётганлигини ва у ерга яна учта қиз кетаётганлигини айтиб онасининг розилигини олди. Тез орада керакли хужжатлар ҳам тайёр бўлди ва қувончи чексиз тўрт қиз Қирғизистоннинг Ўш шаҳри орқали Корея эмас, балки Таиландга учиб кетиш учун Лилиа Аҳмедова ҳамроҳлигида йўлга чиқиди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Наташа онасига қўнғироқ қилиб, ахволи яхши эканлигини айтди. У шундан сўнг онасига тез-тез қўнғироқ қилиб турар, лекин бирор

марта ҳам ўзини Лилиа ваъда қилгандек Корея ёки Таиландда эмас, балки Бирлашган Араб Амирликларида эканлигини айтмасди. Онаси у қаерда эканлигини сўраганида, номи ниҳоятда қийинлигидан талаффуз қилишга қийналишини айтиб, гапни бошқа ёққа буради. Шу орада бировлар орқали «қизингиз бериб юборди» деб ахён-ахёнда олиб келиб берган 50-150 доллар пул ва майда совғалар Людмила Петровнани гаш тортган қалбига бироз таскин бергандек бўларди.

Анча фурсатдан кейин Наташа онасига қўнғироқ қилиб, бир ойдан кейин катта миқдордаги пул билан уйга қайтишини айтди. Лекин орадан ўн кун ўтиб Людмила Петровна қизининг Дубайдаги меҳмонхоналардан бирининг очиқ айвонидан йиқилиб, ўлгани ҳақида шум хабар олади. Шундагина бечора она қизини Таиландда эмас, балки Бирлашган Араб Амирликларида бўлганини билади. Айни пайтда ёш қизнинг ҳаётига зомин бўлган Лилиа Аҳмедова ва унинг жиноий шериклари ўз жазоларини олишади, лекин она бечорага энди ҳеч ким ёлғиз жигарбандини қайтариб бера олмайди.

**Ҳамидулла ҲАМДАМОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Жижзах шаҳар судининг судьяси.  
Элбек БОЙМУРОДОВ

# Траффик

## HUQUQIY MATBUOT

Қорақалпоғистон республикаси ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг нашри бўлмиш «Ғерезсизлик ҳам Нызам» («Истиқлол ва қонун») газетаси истиқлол инъом этган неъматлардан бири десак муболага бўлмайди.

бормоқда.

Олдимизда турган муҳим вазифа — нашрнинг сифатини яхшилаш, янада мазмунлироқ қилиб чоп этишга интилиш ва шу мақсадда янги

Газетамизнинг илк сони мустақиллигимизнинг 5 йиллигини нишонлаш арафасида чоп этилди. Дастлаб «Адам ҳам Нызам» («Инсон ва қонун») номи билан 2000 нусхада чоп этила бошлаган газетанинг буғунги нусхаси 20.000 тага етди.

Газета ўз саҳифаларида президент фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг фаолияти, ҳуқуқ-тарғибот ишларини ёритиши натижасида нафақат соҳа вакиллари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам эътиборини қозонмоқда.

Фуқароларнинг муносабатлари доимо таҳририятнинг эътиборида бўлиб, «Савол-жавоб», «Ҳуқуқий са-

водхонлик», «Юридик маслаҳатлар», «Прокуратура ёрдам берди», «Прокурор назорати амалда» каби руқнлар доимий равишда бериб келинмоқда.

Газетамиз қўшида ҳафтасига бир марта қорақалпоқ ва ўзбек тилларида республика телевидениеси орқали намойиш этиладиган «Одиллик айнаси» («Адолат кўзгуси») телекурсауви ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Таҳририятимиз ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, айниқса Қорақалпоғистон республикаси прокуратураси билан ҳамкорликда иш олиб

руқнлар киритиш, газетанинг безалишини яхшилаш, долзарб масалаларни яна ҳам кўпроқ чоп этиш, фуқароларнинг муносабатларига эътиборни қўйиштириш, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларида бўлган ишончини янада орттириб беришдан иборат. Ниятимиз газетамизни нафақат ўз ҳудудимизда, балки республика миқёсида севиб ўқиладиган ҳуқуқий нашрлар даражасига етказишдир.

З.БЕКМУРОВО,  
«Ғерезсизлик ҳам Нызам»  
газетаси бош муҳаррири

## Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида

### 2005-YIL — SIHAT-SALOMATLIK YILI



Ходимларнинг жисмоний соғломлиги меҳнат самарадорлигининг кафолатларидан бири эканлиги кўпчиликка маълум. Шу маънода Тошкент вилоят прокуратураси жамоасида ҳам спорт ва жисмоний тарбияга бўлган эътибор ортиб бораётти. Иш ҳафтасининг муайян кунларида спорт машғулоти белгиланган. Натижа кутилганидай: меҳнат жамоасида ҳам жиҳатлик ортиб, прокурор-тергов ходимларининг кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда.

СУРАТДА: вилоят прокуратурасининг футбол жамоаси навбатдаги машғулотдан сўн.

### BARKAMOL AVLOD ORZUSI

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими кенгаши томонидан «Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик» шiori остида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида тумандаги 291 ва 289-мактаблар қўшиқдаги оромгоҳларда турли маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

ЁЗНИ

### «КАМОЛОТ» БИЛАН

ИИБда рўйхатда турадиган вояга етмаган ўсмирлар иштирокида ИИБ нинг ички қўшинларига қарашли Тошкент вилояти Ўртасарой кўрғонидан жойлашган ўқув масканида навбатдаги «Ҳарбий-спорт оромгоҳи» ўз ишини бошлади. Ўшбу оромгоҳни ташкил этишдан мақсад вояга етмаган ўсмирларнинг ёмон йўлга кириб кетишининг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳарбий хизматга тайёрлашдан иборатдир.

И.АЛИМОВ,  
«Камолот» ЁИХ

Бектемир туман бўлими кенгаши раиси

### КОМПЬУТЕР ОЛАМИ

## ЖЕКсон ВИРУСИ

Интернетдан фойдаланишда эҳтиёт бўлишингизга тўғри келади. Сабаби, номаълум хакерлар интернетга поп-юлдуз Майкл Жексон ўз жонига қасд қилганлиги ҳақида ёзилган хат орқали вирус юборишмоқда. Матбуотнинг сарлавҳаси қуйидагича: Re: Suicidal attempt.

Пастда эса инглиз тилидан таржима қилинганда шундай мазмундаги матн бор: «Ўтган кунни тунда Neverland дала-ҳовлисида Майкл Жексон ўзини ўлдириш билан ҳаётига якун ясамоқчи бўлди». Бу ҳақда компютер хавфсизлиги билан шуғулланувчи Британиянинг Sophos компанияси хабар қилди. Матбуот давомиде батафсил маълумот бериш учун қўшимча сайтга кириш лозимлигини билдирувчи белги қўйилган.

Айнан шу сайтни очиш жараёнида компютерга зарарланган код ўрнатилади.

Акмал БЕРДИЕВ тайёрлади.

### MUNOSABAT

Яқинда «Наврўз» радиосида ишлайдиган ҳамкасбим Сардор Раҳимхон янги дастур тайёрлашга ҳозирлик кўраётганини айтиб қолди. Эшиттиришнинг номини «Беқиёс умр» деб атабди. FM радиостанцияларини бир-биридан бетайин, чўчмал ўйин-дастурлар босиб кетган маҳалда бу ном қўлоғимга ёқимли эшитилди. 88,4 тўлқини «Ҳолислик сари», «Ҳикматли дунё» каби маърифий эшиттиришлар қатори яна бир яхши дастур ҳисобига бойибди. Ҳар ҳолда, бу ҳам яхшилик сари бир кадам. Ҳа, инсон умри Аллоҳнинг беқиёс тўқфаси. Уни фақат яхшиликка, эзгу ишларга сарф этиш керак. Бу ҳақда ҳамиша ўйлаб юрардим. Сардорга дастурни тайёрлашда кўмаклашиш учун бир неча юртдошларимиз билан суҳбат-лашдим.

## Беқиёс умр тўқфаси

— Сизга қандай яхшилик қилишган? — деган саволимга аксар ҳолларда: — Ёдимда йўқ, — деган жавобни олдим.

Минг афсус, яхшилик анқонинг уруғи бўлиб кетганимкан, деган ўй юракни эзса, баъзилардан: «мен фалончига шундай яхшилик қилганим» деган гапларни ҳам эшитгач, қачонлардир ўқганим — бир ҳикмат ёдимга тушди.

Бир донишманддан: — Нимани ёддан чиқармаслик керагу, нимани унутмоқ керак? — деб сўрашибди. Донишманд:

— Бировга яхшилик қилсанг, албатта унуттин. Аммо сенга биров яхшилик қилса, ҳеч қачон ёдингдан чиқарма, деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, яхшиликни унутмаслик ҳам инсоний фазилат. Энг оғир кунингизда сизга қилинган яхшиликни унутмасангиз? Ўйлашимча, савобли ишларни ҳамма ҳам миннатдорлик билан эсга олади. Ҳа, дунёда яхшиликни биладиган, унинг қадрига етadиган инсонлар ҳам кўп экан. Бунга дастурни тинглай туриб ишонч ҳосил қилдим.

«Бир донишманддан: — Ер юзидан нима кўп? — деб сўрашибди, — дея «Беқиёс умр» дастурини бошлайди Сардор Раҳимхон:

— Орзу кўп, — деб жавоб берибди донишманд. — Ер юзидан қанча одам бўлса, ҳар бир инсоннинг қалбиде олам-олам орзуи бор.

— Ер остида нима кўп? — яна сўрашибди.

— Армон кўп, негаки, вафот этганларнинг ҳаммаси ҳам қандайдир армон билан дунёдан ўтишган.

— Осмонда-чи, осмонда нима кўп?

— Осмонда савоб кўп, — деб жавоб берибди донишманд.

— Нера? — ҳайрон бўлишибди сўрагучилар.

— Чунки куёш нур сочиб ер юзини иситида. Ёмғир ёғади, экинлар мўл-кўл бўлади. Ой-юлдузлар тунларимизни ёритади. Бу яхшиликлар учун ҳеч қачонки раҳмат талаб қилмайди, яхшилигини миннат қилмайди. Беминнат қилинган яхшилик эса — савобдир».

Дарҳақиқат, яхшилик миннат ёки мактов учун эмас, савоб учун қилинади. Аммо бу ҳақда бошқалар ҳам эшитса, кимлар учундир

ибрат бўлиши мумкин. «Беқиёс умр» дастури ижодкорлари эса яхшиликни тарғиб қилишдек эзгу, босавоб ишга қўл уришибди.

Тошкентлик Фарида опа дастур ҳақида илиқ муносабат билдириб, шундай мактуб битибди:

«Одатдагидек ишга кетаётганим. Эрталаб автобус тирбанд бўлади. Бирдан ичимда оғриқ туриб, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Бир зум ўзимни йўқотиб, ҳушимдан кетиб қолганим. Кейин нима бўлгани ёдимда йўқ. Кўзимни очганимда шифохонада эканман.

Маълум бўлишича, ўша пайт автобусдаги йўловчилардан бири мени автобусдан тушириб қўлиб, таксиде шифохонага олиб борибди. Ҳаттоки, керакли дори-ларни олиб бериб кетибди. Қўричагим ёрилиб кетган экан. Шифокорлар дарҳол операцияга олиб киришибди. Бор гап шу. Аммо ўша, менга биринчи ёрданми кўрсатган кишига раҳмат айтолмайдим. Унинг кимлигини ҳам билмайман.

Ўзимга келиб бу ҳақда ўйлаб бошлаганимда дори-ларни ўзимнинг пулимга олиб келгандир, деб ўйлагандим. Бир-икки кундан кейин сумкачамни очиб қарасам, пулим жойида турибди.

Дунёда яхши одамлар борлигига ишонч ҳосил қилдим. Агар бундай инсонлар янада кўпроқ бўлганида бу дунёнинг ўзи жаннатга айланиб кетаринди!».

Бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Кимдир ёрдамга муҳтож кишининг ҳолатини қиқарган, кимдир эса оғир кунда ёнида туриб, бир оғиз ширин калом билан кўнглини кўтарган.

Назаримда яхшилик биров муҳтож пайтдагина қилинадиган кўмак эмас. Бир оғиз чин дилдан чиққан илиқ сўз ҳам, икки оғиз таскин ила кўнглини кўтариш ҳам яхшилик. Эзгу тилак ҳам яхшилик, яхши ният ҳам яхшилик.

Ҳа, инсон умрининг қисси йўқ. У чекланган фурсат мобайнида фақат яхшилик қилишга ҳаракат қилмоғи керак. Бировга яхшилик қилиш қўлдан келмаса, ҳеч бўлмаса яхшилик тилаши керак. Ўзгаларга яхшилик соғиниб яшаш ҳам бир саодатдир. Бу дунёда бир биримиздан нима қолади — яхши ному эзгу иш қолади. Ана шунинг англасалар бас.

Соҳиба ҲАЙИТБОВА,  
журналист

HUQUQ  
yuridik gazeta

Та'сисчи:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdullolq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Abdulhalim XOLMAHMATOV, Pirimol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.



Telefon: 133-82-34, 133-64-72.

E-mail: Info@huquq.uz.  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231,232

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalari qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»-dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma 1-g' — 661.14584 nuxxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va saqlanadi. «HUQUQ» original maketi.

Novbachi muharrir: Doniyor XALILOV  
Muxshihhi: Adolat MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NIM bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 12345678

Gazeta  
haftaning  
chorshanba  
kunlari  
chiqadi.

Sotuvda  
erkin narxda